

---

## ЯНГИ КОРХОНАЛАР ИШГА ТУШИРИЛИБ, ЛОЙИҲАЛАР ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Шароит ва талабчанлик туфайли бугун барча ҳудудларда иш суръати юқори. Бир корхона ишга тушиб, бошқалари қурилаяпти. Айниқса, саноат тармоқларида лойиҳалар шунчалик кўпки, ҳаммасига улгуриш қийин.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим лойиҳаларга тўхталиш анъанага айланган. Фарғона вилоятида ҳам янги корхоналарни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида сўнгги беш йилда Фарғонада саноат ҳажми 1,3 баробарга кўпайганини қайд этди. Экспорт ҳажми қарийб 2 баробарга ошиб, 722 миллион долларни ташкил этган.

Инвестициялар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 90 миллион доллар сармоя ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллиард 300 миллион доллар бўлган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 470 тага етган.

Вилоятда 6 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 110 та ва яна 1,1 миллиард долларлик 22 та маҳаллий лойиҳа бўйича ишлар жадал кетмоқда. Уларда 20 мингдан ортиқ иш ўрни бўлади.

- Илгари вилоятда 6 та лойиҳа қилиш амри маҳол эди. Бугун 6 миллиард долларлик лойиҳалар ҳақида гапираяпмиз. Нима учун? Ўсдик, ривожландик, инвесторларни ишонтирдик, шароит яратдик. Бундай ишларни яна давом эттирамыз, - деди Шавкат Мирзиёев.

Биргина “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида 370 миллион долларлик юзга яқин лойиҳа бажарилиб, 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 60 миллион долларлик экспорт қилинди.

Кунни кеча қабул қилинган Президент қарорига кўра, ушбу саноат зонаси Қувасой шаҳри бўйлаб 210 гектарга кенгайтирилади. Унда қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳа жойлаштирилиб, 12 мингта иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, Қўқон шаҳрида 230 гектар майдонда “Ўзбекистон – Хитой” махсус саноат зонаси ташкил этилади.

Вилоятдаги муваффақиятли лойиҳалардан бири – Сингапурнинг “Индорама” компанияси билан ҳамкорликдаги минерал ўғитлар заводи. Энди унинг юқори самарадор комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича 2-босқичи ишга туширилмоқда ҳамда 3-босқичи бошланмоқда. Буларнинг натижасида йилига 300 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қўшимча 50 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Маросимдаги яна тўртта лойиҳа энергетика соҳасида. Улар – Бешариқ туманида қуёш электр станцияси, Ўзбекистон туманида электр энергиясини сақлаш тизими, Фарғона туманида кичик гидроэлектр станциялари.

Иқтисодиётимизда электр энергияга бўлган талаб йилига ўртача 6 фоизга ошиб бормоқда. Шу боис анъанавий манбалар билан бирга қайта тикланувчи қувватлар ҳам ривожлантирилмоқда.

Сўнгги уч йилда 2 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига қуввати 2,4 гигававт бўлган 10 та қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Йил якунига қадар яна 12 та станциянинг қарийб 2,6 гигававт қувватлари уланади. Шунингдек, ҳозирги кунда жами 19 миллиард долларлик, 18,3 гигаваттлик 32 та “яшил” лойиҳа амалга оширилмоқда. Муҳими, бундай лойиҳалар ҳар бир вилоятда бор.

Хусусан, Фарғонанинг Бешариқ туманида Германиянинг “Hyper Partners” компанияси билан 500 ~~мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилиши бошланмоқда.~~ 350 миллион долларлик мазкур лойиҳанинг дастлабки 200 мегаватти шу йилнинг ўзида тармоққа уланиб, келгуси йилда тулиқ ишга туширилади. Унда йилига 1 миллиард 600 миллион килловатт соат ёки 675 минг хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Натижада 466 миллион метр куб табиий газ тежалади.

---

Ўзбекистон туманида 144 миллион доллар хорижий инвестиция ҳисобига 150 мегаваттлик илк электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилади. Хитойнинг “Gezhouba Group” компанияси билан ҳамкорликдаги ушбу мажмуа шу йил якунига қадар ишга туширилади. У электр энергиясига талаб ортган вақтда автоматик ишга тушиб, энергетика тизими барқарорлигини таъминлайди.

Ушбу замонавий станциялар энергетика хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий самарадорликни оширишга, экологик барқарорликни яхшилашга хизмат қилади.

Соҳадаги яна бир йўналиш – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Сўнгги етти йилда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобига 400 мегаваттдан ортиқ янги қувватлар барпо этилиб, гидроэлектр станциялар қуввати 2,2 гигаваттга етказилди.

Изланишлар давом эттирилиб, юртимизда 56 мегаватт қувватли 200 та кичик ва микро ГЭСлар қуриш имконияти аниқланди. Бу борада алоҳида дастур қабул қилинди. Унинг доирасида Фарғона туманининг чека ҳудудларида 2 та кичик ГЭС барпо этилди. Биринчиси, Шоҳимардон қишлоғида қурилган 2,2 мегаваттлик, иккинчиси, Юқори Водил қишлоғидаги 430 килловаттлик станциялардир. Улар яқин маҳаллалардаги аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, битган корхоналар фаолиятини ва янги лойиҳалар қурилишини бошлаб берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-07-11 15:51:57